

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 январь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон-Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо кўрсаткичларининг барқарор ўсиши, саноат, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт соҳаларида амалий ҳамкорлик кўлами ning кенгайишига хизмат қилаётган кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан таъкидланди. Ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашиб, биргаликда муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Етакчилар яқинда ўтган ҳукуматлараро музокараларининг натижаларини юксак баҳолаб, икки биродар мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни тубдан кенгайтириш муҳим эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари минтақа кун тартиби ва кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик жиҳатлари юзасидан фикр алмашдилар. Бўлажак учрашув ва тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек илик, дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

Манба